ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель куни Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Бу ҳамкорлик алоқаларининг тараққий топишида, тайёрланишида жаноб Ханс Ван Ден Брук катта ҳисса қўшган ва Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ҳақидаги ахборот янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари меҳмонларга сўнгги йилларда мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, иқтисодий юксалиши йўлида, демократик жамият ҳуқуқий асосларини яратиш борасида катта ўзгаришлар рўй берганини қайд этди. Бу ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

— Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва ЕИК билан ҳамкорлиги унинг Европа мамлакатлари билан мустаҳкам интеграциялашувига кўмаклашади ва бу халқимиз манфаатларига мосдир, — деди жумладан Ислом Каримов.

Жаноб Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий ўсишга эришганини ва мамлакатимиз Европа Иттифоқининг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорига айланганини қайд этди. Европа Иттифоқи Комиссияси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш юзасидан музокаралар ижобий якун топса, алоқаларнинг янада ривожланиши ва кенгайиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, республика Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 9 апрель, сешанба № 43 (21.964).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзолари 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни хусусида сўзлади. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги катта истиқболга эгалигини таъкидлар экан, бу имкониятлардан фойдаланиш ўзаро манфаатли бўлишини қайд этди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи Комиссияси ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, В. Чжен, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, республикамизнинг Европа Иттифоқидаги вакили А. Файзуллаев иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон концерт-ижодий жамоаларининг истакларини эътиборга олиб:

1. «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, у мулкчилик шаклларидан ва қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштиради.

«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадиий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

3. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб этиш;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли, комплекс, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий - техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш;

гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

4. Гастроль-концерт бирлашмаси, унинг корхоналари ва ташкилотлари давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқларини тўлашдан 3 йил муддатга озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли солиқ олиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлар мусиқа-рақс санъатини янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Шу йил 6 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг МДҲ мамлакатлари интеграцияси жараёнлари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири саволларига берган жавоблари баён этилган қоида ва хулосалар тўла қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан ҳамда ушбу масаланинг ХДП аксарият вилоят кенгашлари пленумларида мазкур асноларда кўрилганлигини ҳисобга олиб, бу ишни, партия тузилмаларининг бошқа бўғинлари, хусусан, бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар кенгашлари даражаларида ҳам, давом эттириш лозим, деб топилди. Шунингдек, партиямиз маҳаллий ташкилотлари ва газеталари таҳририятларига мустақил республикамиз ҳукуматининг халқимиз манфаатларига мос сиёсати ҳамда амалий фаолияти моҳиятини, истиқлолимизнинг мамлакатимиз учун тақдириломон аҳамиятини ХДП фаоллари, жами аъзолари, барча фуқароларга етказиш, чуқур тушунтиришни уюштириш топширилди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП Низоми қоидаларидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига асосан, республика Олий Мажлиси бўйича 75-Фориш сайлов округида бўшаб қолган депутатлик ўрнига номзод кўрсатди.

Ўзбекистон ХДП серқирра фаолиятини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, унинг барча бўғинларининг ташкилий, оммавий-сиёсий, парламентчилик ишлари самарасини ошириш, партиямизнинг жамиятимиздаги мавқеини мустаҳкамлашда бошланғич ташкилотларнинг ўрни беқиёслигини ҳисобга олиб, Сиёсий ижроқўм, Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотларида, 1995 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган, ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни бажариш юзасидан, Тадбирлар режасини тасдиқлади. Уларнинг собитқадамлик билан, тўла-тўкис бажарилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон ХДП сафларини мустаҳкамлаш, унинг халқимиз ўртасидаги обрўй-эътиборини оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Мажлисда, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳрир ҳайъатларининг янги таркиби тасдиқланди, шунингдек, ХДП 1995 йил бюджетининг ижроси ҳамда партия ички ҳаёти билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилиб, улар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Деҳқон нима дейди?

ЕНГ ШИМАРИБ ИШЛАЙМИЗ

Юртимиз деҳқонлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини қувонч билан кутиб олдилар.

— Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, машина-трактор парклари ходимлари бу Фармон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда, — деди Самарқанд вилоят агросаноат уюшмаси раисининг ўринбосари М. Худоёров. — Яқинда вилоят ҳокимлиги ўтказган кенгашда ҳам қишлоқ хўжалик ходимлари молиявий тизимдаги ана шу муаммоларни ўртага қўйган эдилар. Шу туфайли Фармон уларнинг кўнглини кўтариб юборди.

Биз Жомбой туманидаги Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги раиси Муса Абдиев билан боғландик.

— Ўша куниёқ мутахассислар иштирокида Фармонни ўқиб чиқдик ва ўргандик, — деди у. — Айни муддао бўлди. Насиб этса, ёзга бориб маҳсулотларимиз нархи тенг ярмига қисқаради. Нега деганда маҳсулот таннархининг қарийб ярми бевосита ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар харажатига тўғри келаётган эди. Фармон ижроси туфайли йил охиригача 3 миллион сўм маблағни тежаб қоламиз. Машина-трактор паркимиз ҳам қишлоқ хўжалиги буюртмаларини бажарганлиги учун солиқдан озод қилинса, кўплаб эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва ремонтни ўз кучи билан ўтказиш имкони бўлади.

Вилоят деҳқонларининг Каттақўрғон туманида бўлган кенгашида мазкур ҳужжат ўз вақтида чиққанлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Пахтадан бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини плёнка остида экиш ва парваришлаш тажрибаси ўрганилди.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁРУҒ ЙЎЛЛАР ОЧИЛДИ

— «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни ўқиб бизнинг хўжалик ҳудудида истиқомат қилаётган деҳқонлар ҳам анча руҳландилар, — дейди Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Туроб Нормуҳамедов номидаги жамоа хўжалиги раҳбари Обидхўжа Султонов. — Айниқса, Фармонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчиларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари олишлари учун қўшимча қиймат солиғи белгиламаслик ўзини деҳқон деб билган ҳар бир инсон учун катта рағбат белгисидир.

Албатта, қишлоқ хўжалиги ҳар хил табиий офатлардан ҳоли бўлмаслиги, ишлаб чиқариш муддатининг узоқ давом этиши барчамизга аён. Шу боисдан ҳам Фармоннинг 5-6 бандларида кўрсатилган зарарига ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг банк ссудалари бўйича тўлайдиган устама фоизларининг чегириб ташланиши, кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан олинган қарзларга устама фоизларни тўлашни 2000 йилнинг 1 январигача кечиктирилиши кўпгина жамоалар учун ўзларини иқтисодий жиҳатдан тиклаб олишлари учун имкон беради.

Ҳа, деҳқончилик ҳар қандай замонда ҳам элни тўйдирган, устини бут қилган, юрт бойлигига бойлик қўшган. Зеро, қаерда иқтисодиёт ривожланса — ўша ерга қут-барака ёғилган.

Сир эмас, кўпдан бери қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаётганлар ҳақида гап кетса, уларга бўлган эътиборнинг сусайганлиги, бу ўз навбатида ҳамма тармоқларга катта таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида нуфузли йиғинларда айтилиб келинаётган эди. Ниҳоят, Президентимиз катта ғамхўрликни бошлаб бердилар. Энди ҳамма гап ўзимизга боғлиқ. Ёруғ йўллар очилди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Пахта ва ўсимлик мойларисиз қозон қайнатиш амри-маҳол. Аҳолининг бундай маҳсулотга бўлган талабини қондиришга аҳд қилган Янгийўл ёғ-мой корхонаси жамоаси жорий йилнинг шу даврига ча Тошкент ҳамда Жиззах вилоятларидаги 225 та хўжалик билан чигит етказиб бериш учун шартнома имзолади. Ҳозирча шартномага кўра 77 минг 320 тонна чигитнинг бугунги кунгача 36 минг 103 тонна си қабул қилиниб, 5388 тонна ўсимлик ёғи, 3762 тонна шрот ҳамда 13 минг 717 тонна шелуха, 3762 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, жамоа ишбилармонлари қурилиш учун жуда зарур оксал олифини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бугунги кунгача 60 тонна миқдорида ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди.

(Ўз мухбиримиздан).

Ислоҳот ва масъулият

БОЗОР ИНТИЗОРМИ?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида деҳқон ва буюм бозорларини бошқаришни янада такомиллаштириш, очиқ турдаги ҳиссадорлик тузилмаларини яратиш, маҳсулот харид қилиш юзасидан тузиладиган шартномаларни мустаҳкамлаш ва бошқа муҳим тадбирлар кўзда тутилган. Китоб деҳқон бозори бошқармаси бошлиғи Шомил МИРОВ билан суҳбатда янгиликлар, жумладан айрим ҳаёт тақозо этаётган муаммолар тилга олинди.

— Китоб деҳқон бозорига юртбошимизнинг назари тушган. Унинг қурилиши, ўзига хослиги ҳақида гапириб бersангиз.

— Китоб шаҳрида туғилиб ўсганлигим туфайли эски қўрғон деворлари, бозор атрофидаги тепаликларни яхши эслайман. Очиғи, бириккита растани ҳисобга олмаганда бозор талабни қондирадиган даражада эмас эди. Юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида айтганидек, саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида бозорларни ободонлаштиришга катта эътибор берилди. Бозорни қайта қуриш, расталарни кенгайтиришга юртбошимизнинг катта хизмати синган. У киши бозор қурилишидан тез-тез хабар олиб турар, муаммоларни ўз ўрнида ҳал этишга ёрдам берарди. Қисқа фурсатда кўримсиз бинолар ўрнида замонавий расталар қад кўтарган бозор қурилгани учун биз, китобликлар юртбошимиздан миннатдормиз.

Ўша йилларда бозор ва қурилишларга Собир ака Рўзиев раҳбарлик қилганди. Раҳматлик корхона ва қурилиш ташкилотларини бошқарган, ташкилотчи ва тадбиркор эди. Бозор қурилишига кўпгина ташкилотлар ҳисса қўшишди. Биттасининг ёнида иккинчи йиғма-темир тизимли янги раста қад кўтарди. Ана шу янги растанинг пастки қаватида турли хусусий дўконлар жойлашди. Бозор ҳовлисининг четидаги эски иморатлар ўрнида пишиқ ғишт ишлатилган ошхоналар тикланди. Айни пайтда 3 гектар жойни эгаллаган бозор ўзига хос қуриниш ва қулайликларга эга. Мева-сабзавот сотаётган деҳқонларнинг ўзига 300та ўрин ажратилган.

— Ҳукуматимизнинг бозорлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қарори чиқди. Сиз савдо иқтисоди бўйича мутахассиссиз. Қандай режалар, янги тадбирлар кўрилди?

— Юртимизда кечаётган ислоҳотлар қўлами ниҳоятда кенг. Айниқса, бозор иқтисодиёти, уни ташкил этиш борасидаги янгиликлар ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда. Ҳамма вақт бозор — маъмурчиликнинг тош-тарозуси бўлиб келган. Ислоҳотлар туфайли янги-янги имкониятлар юзага чиқяпти. Эркин савдо, маҳсулотларнинг турли бозорлар орқали айирбошланиши, энг муҳими, деҳқончиликда тадбиркорлик, хусусийлаштириш қўл келаётганлиги, натижада мўл-кўлчилик вужудга келаётганлиги шулар жумласидан. Масалан, Китоб бозори арзон бозорлардан бири. Маҳсулот сероб бўлса, арзончилик бўлади. Яқинда картошка 25 сўмга чиққанди. Шаҳрисабз туманидаги Гелон қишлоғидан картошка келтирилгач, 16-17 сўмга тушди. Тожикистон, Туркманистондан ҳам маҳсулот олиб келинади. Сурхондарё, Фарғона, самарқандлик боғбон ва деҳқонлар бозоримизни қанда қилишмайди. Уларга ҳамма шароитни яратиб берямиз.

Буларни шунинг учун тилга оляпманки, ҳукуматимизнинг қарори бозорларда тўкинликни барқарорлаштиришга қаратилган. Айниқса, бозорларнинг мустақил ривожланиши, хиссадорлик жамиятларига айлантирилиши анча қулайликларни туғдиради. Биз энди маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, улгуржи маҳсулот харид қилиш имконига ҳам эга бўляпмиз. Олайлик, илгари ҳам маҳсулот сотиш юзасидан шартномалар тузилар, аммо хўжаликлар бунга амал қилишмасди. Бундан ташқари катта ер майдонлари, боғлар, узумзорларга эга бўлган хўжаликлар ҳам энди бозорни «забт» этиш ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Очиғи улар мавсумий маҳсулотдан бирикки тележка жўнатиб, кейин умуман бозордан узилиб кетишяпти. Йўқса, 20-22 минг тонна узум, 30-35 минг тонна сабзавот, 5-6 минг тонна мева етиштиришга қодир хўжаликлар бозоримизни йил-ўн икки ой таъминлашга қурби етмайдими? Етади, фақат эътибор ва истак керак. Бир парча томорқада деҳқончилик қилаётган кишилар картошка ёки узумни қиш учун қандай асрашяпти? Ёки нега улар мўл-кўл сабзавот етиштириб, сотишяптию, хўжаликлар кам кўринишади?

Тўғри, совутгичлар, омборхоналар етишмаётганлигини баҳона қилиш мумкин. Аммо баҳона тош босмайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қишлоқ жойларда пуллик хизматни кўпайтириш ҳақида ҳам гапирилди. Агар хўжаликларнинг асрайдиган маҳсулотлари бўлса, бозорга чиқаришса, қўлларига пул тушарди. Бозоримизда эса бу борада анча ишлар бошланиб кетган. Ўтган йили 295 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатдик. Бозор ихтиёридаги 9 та юк мотоцикли бозорчилар хизматида. Керамика ва заргарлик цехлари очилган. Лотосприント ишлаб турибди. Ободонлаштиришга 500 минг сўм харажат қилдик. Яқинда бир нечта хизмат турларини ўз ичига олган янги бино ишга тушади.

Бозорга кўп таъриф берилган. Ҳатто қадимда бозор расталарини осмондаги юлдузларга қараб жойлаштиришган, деган ривоятлар мавжуд. Мен бозорни улкан уйга ўхшатаман. Бу уйнинг остонасидан тўкинлик, қут-барака босиб ўтсин, дейман. Бозор ҳамиша инсон қадамига, яхшиларга интизор бўларкан. Шунинг учун айта оламанки, бизнинг бозоримиз ҳам туманимизга ташриф буюрадиган меҳмонларга, харидорларга ҳамиша интизор.

Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Бу йил Қорақалпоғистонга баҳор кечикиб келди. Биринчилардан бўлиб чигит қадашга киришган Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси пахтакорлари бу йил 4 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, ҳар йилгидек юқори натижаларга эришиш ниятидалар. Деҳқонлар экишни хўжаликнинг янги очилган Шўркўл массиви далаларидан бошладилар. Синовдан ўтказилган «Чимбой 41-04» нави ҳам экиляпти.

Беруний туманидаги «Қиётўлишобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам чигит экишга киришдилар. Барча майдонларга экиш агрегатлари киритиляпти.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугуннинг гапи

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Баъзи бир МДҲ мамлакатларидаги сиёсий кучлар иқтисодий зарурат шиори остида собиқ СССРни қайта тиклаш ғоясини олға суриб, шу йўналишда амалий ишга ҳам қўл уришмоқда. Шу хусусда Россия Давлат Думасининг СССРнинг тугатилгани ҳақидаги Беловеж битимини бекор қилиш, бинобарин шўролар империясини қайта тиклаш ҳақидаги қарори ҳаммани ҳайратга солди. Умрини яшаб бўлган СССРни қайта тиклашга интилиш МДҲ мамлакатларининг мустақиллигига раҳна солишдан бошқа гап эмас, албатта. Бу тарихий тараққиётни орқага буриш бўлганидан у юзага келиши мумкин эмас! Тараққиёт — империялар зўравонлигидан мустақил мамлакатларнинг равнақи йўлига ўтилишдан иборатдир.

Ҳозирги янги сиёсатдонлар қанча уринмасинлар, тарихни орқага қайтариб бўлмайди, чунки халқларнинг империялар асоратидан озод бўлиб мустақил тараққиёт йўлига ўтиши муқаррар ҳодисадир.

Янги «ғамхўрлар» халқларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, ҳамкорлигини уюштириш деган шиор остида ҳаракат қилмоқдалар. Аммо улар шундай ҳақиқатни ёддан чиқармоқдаларки, халқлар олдин мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривож топадилар, фақат шундан сўнг улар ўз манфаати йўлида биргаликда ҳаракат қиладилар. Бинобарин, мамлакатларнинг иқтисодий соҳада яқинлашуви фақат уларнинг мустақил миллий давлатчилиги асосида бўлиши мумкин. Собиқ СССРнинг янги «жонкуярлари» МДҲ мамлакатларининг интеграцияси зарур деб чиқмоқдалар, лекин буни улар интеграциялашган давлатлар устидан янги ҳокимиятни яратиш билан боғламоқдалар. Бу миллий мустақиллик тамойилларига зид эканлиги ҳаммага аёндир. Иқтисодий интеграциянинг зарурлиги турган гап, лекин у мустақиллик доирасида юз бериши лозим.

Президент И. Каримов таъкидлашича «Интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало бундай интеграция учун шарт-шароит яратилиши лозим».

Собиқ Совет империяси давридаги интеграция мазасини татиб кўрган эдик. СССРнинг ягона халқ хўжалиги комплекси интеграциянинг энг замонавий тури деб эълон қилинган эди. Аслида у халқларнинг иқтисодий манфаатларини юзага чиқаришни кўзламади, аксинча уларни илғорлар ва қолоқларга ажратди. Энг илғорлар Болтиқ бўйи республикалари бўлса, энг қолоқлари Ўрта Осиё республикалари бўлди.

1960—1990 йиллар мобайнида Ўзбекистон саноатининг миллий даромаддаги ҳиссаси деярли ўзгармади. Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда яратилган маҳсулотнинг деярли 75 фоизи қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Ўзбекистон СССР саноат марказларининг хом ашё базасига айланди. Ўзбекистон ўз миллий бойлигини ўзи тасарруф этишдан маҳрум бўлди. У СССРдаги пахтанинг учдан икки қисмини яратган ҳолда ўз саноатида йиғилган пахтанинг фақат 5 фоизини қайта ишлаб, унинг қолган 95 фоизини бошқаларга етказиб берар эди. Ўзбекистонда олтин қазиб олиш ошиб борган сайин уни СССРнинг валюта цехи деб эълон қилдилар. 70-йилларда жаҳон бозорида олтин нархи шиддат билан ўсиб, у 1978—1979 йил энг юқори даражага чиқди. Шу пайтда Ўзбекистон жаҳон бозори нархи билан ҳисоблаганда йилига 3-4 млрд. долларга тенг олтинни марказга етказиб берди, лекин олтиндан келган валютанинг бир долларига ҳам эга бўлмади, уни СССР халқ хўжалиги комплекси ютиб юборди. СССР доирасидаги интеграция Ўзбекистонни қолоқлик гирдобидан чиқара олмади, уни қарамликда тутиб турди. 1988 йилги халқ хўжалиги баланси маълумотига кўра Ўзбекистонда яратиладиган маҳсулотнинг 45 фоизи (ишлаб чиқариш) бошқаларга қарам эди. Бу кўрсаткич РСФСРда 22 фоиз эди. Демак, Ўзбекистон қарамлиги 2 марта кучли бўлган.

Ўзбекистон мустақиллик арафасида иқтисодий даражаси ва салоҳиятини ишлатиши жиҳатидан дунёда 149-ўринни эгаллади. Эндиликда Ўзбекистоннинг мустақил иқтисодий тараққиётига халал берувчи интеграциянинг ҳеч кимга кераги йўқ, албатта. Агар интеграция СССРда бўлгани каби иқтисодий зўравонликка, тенгсизликка ва қарамликка таянса, у ўз мақсадига эришмайди, у иқтисодий ўсиш воситаси бўла олмайди. Аксинча тенгликка, иқтисодий эркинликка ва манфаатдорликка асосланган интеграция истиқболли бўлади, чунки у ҳаммага наф келтирганидан миллий мақсадларга мос келади. Ана шундай интеграция иқтисодий ўсишга ва халқ фаровонлигини оширишга кўмак беради. Интеграция миллий мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни поймол этишга эмас, балки мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Ўзбекистон миллий мустақиллиги иқтисодий жабҳада бизга қуйидагиларни берди: биринчидан, мамлакат бойлиги бизнинг миллий мулкимизга айланди, биз унинг хўжайини бўлдик, энди у халқимиз фаровонлигига хизмат қилади; иккинчидан, иқтисодий тараққиётда ўз йўлимизни танлаб олдик, энди ўзгалар изми билан эмас, балки ўз манфаатимиздан келиб чиққан ҳолда иқтисодий фаолиятга қўл урамиз; учинчидан, қарамликка барҳам бериш йўлига ўтиб ишлаб чиқариш структурасини мустақилликни таъминловчи йўналишда ўзгартириш имконига эга бўлдик; тўртинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил, бинобарин тенг ҳуқуқли иштирокчисига айландик, четдан топган валюта ўзимизники бўлди; бешинчидан, миллий пулимиз — сўмга эга бўлдик, бу бизнинг бойлигимиз, фахримиз ва мустақиллигимиз рамзидир. Бундай улкан ўзгаришлар мустақиллик шарофатидир. Шуларни сақлаган ва мустаҳкамлаган ҳолда интеграция йўлидан бориш мумкин.

Интеграциянинг юртбошимиз олға сурган тамойиллари борки, уларга асосланган ҳолда интеграциялашув йўлидан боришимиз мумкин: интеграция ихтиёрий бўлиши, ислоҳотлар бир йўналишда бориши, ҳар бир давлат ўз салоҳиятига таяниши, интеграцияни сунъий тезлатишга йўл қўймаслик, интеграцияни мафкурага бўйсундирмаслик.

Мазкур интеграциялашув талаблари бозор иқтисодиётининг табиатидан келиб чиқади, чунки бу очиқ, эркин, демократик иқтисодиёт бўлиб, нафақат корхоналар ва секторларни, балки мамлакатларнинг ҳам ҳамкорлигини талаб қилади. Янгича интеграция бозор алоқалари ва бозор механизми орқали бўлади.

Аммо бу асло мамлакатларнинг бирлашиб кетиб, мустақиллигини йўқотиши, янги давлатнинг ташкил топиши эмас. СССР тарафдорлари Европа мамлакатлари бирлашмоқда, миллий чегаралар йўқ бўлмоқда деган важни олға сурмоқдалар. Аммо улар бир муҳим нарсани ёддан чиқармоқдаларки, иқтисодий интеграция фақат мустақил тараққиёт орқали, у маълум даражага етгандан сўнг янги босқичга чиқиши мумкин. Европада интеграция бошланганига 40 йил бўлди. Дастлаб унда 6 давлат қатнашди, 1992 йил унинг иштирокчилари 12 мамлакат бўлди. Ҳозир унинг иштирокчилари доираси кенгаймоқда, аммо ҳали у бутун Европани қамраб олганича йўқ. Бу шундан дарак берадики, интеграция кўп босқичли жараёндир.

Ҳар бир босқичда унда турли давлатлар иштирок этади, интеграцион алоқаларнинг чуқурлиги ҳам ҳар хил бўлади. Аммо буни ёддан чиқарувчилар ҳам топилар экан. МДҲдаги баъзи бир давлат арбоблари интеграция ҳатто умумий пулни киритиш, умумий бюджет тузиш, умумий бошқарув тизимига ўтиш деган ғояларни ёқлаб чиқмоқдалар. Улар объектив жараёнларни ўз хоҳиши билан жадаллаштирмоқчи бўладилар. Иқтисодий зарурат ҳар қандай, ҳатто энг доно ҳукмдорнинг ҳам эркидан устун туради. Ҳар қандай ҳодиса каби интеграция ҳам шароит пишиб етилгач заруратга айланади. МДҲ доирасидаги интеграция аввал дастлабки шаклда бўлиши, сўнгра эса унинг энг олий шаклларига ўтиши юз беради. Европада ҳам интеграция бошланишиданоқ миллий пуллар йўқ этилмаган, бюджетлар ҳам бирлаштирилмаган. Интеграцион алоқалар Европада 30 йил ривожлангандан сўнг ЭКЮ деган ҳисоб-китоб ишида қўлланувчи умумий пул киритилади. Аммо ЭКЮ миллий пуллар ўрнига киритилгани йўқ, у купюра шаклида муомалага ҳам чиқарилгани йўқ. У фақат ўзаро ҳисоб-китобларда ўлчов бирлиги сифатида ишлатилди.

Интеграция иқтисодий ҳамкорликни унда иштирок этувчилар билан чеклаб, иқтисодни бошқалар учун ёпиш эмас, албатта. Иқтисодиёт очиқлигича қолади. Шу боисдан МДҲ доирасидаги интеграция узоқ хориж билан алоқаларни чеклаш эмас, бу қўшни мамлакатлар интеграциясига ҳам халал бермаслиги керак. Одатда, интеграция чегарадош, даражаси яқин, хўжалик тузилишида умумийлиги бор, коммуникацияси туташ мамлакатлар ўртасида бошланади. Мана шундай белгилар Марказий Осиёда бор. Бу ердаги интеграцион тарихий алоқалар шўролар даврида чеклаб қўйилди. Озодлик туфайли уларни тиклаш ва ривожлантириш имкони пайдо бўлди! Шу сабабли Умумтуркистон интеграциясини йўлга қўйиш Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий мустақиллигини кафолатлайди. Бинобарин, эндиликда интеграцион алоқалар ҳам Марказий Осиёда, ҳам ундан ташқарида ривожланиши талаб қилинади.

Аммо интеграция қайси маконда ва қандай даражада юз бермасин, барибир у миллий манфаатлардан, мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади!

Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,
Тошкент молия институти проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ЎЗГАЧА ФАЙЗ ВА БАРАКАСИ БОР

Ҳаёт билан ҳамнафас

Нишон туманида туман ҳокимлиги ҳамда ҲДП туман кенгашининг ташаббуси билан оқсоқоллар куни бўлиб ўтди. Унда фахрийлар кенгашларининг раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла қўмиталарининг раислари иштирок этишди.

Мулоқотда бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аҳоли турмуши, фаровонлиги борасидаги республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мавзуидаги ишлар атрофлича таҳлил этилди. Эришилган ютуқлар, пировардида камчиликлар ҳам рўйрост айтилди.

— Қариялар — юртимиз таянчидир. Халқларимиз «қариси бор уйнинг — париси бор» дея бежиз айтишмаган, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Азим Иброҳимов. — Биз ойда бир марта оқсоқоллар кунини ўтказишга қарор қилдик.

Дарҳақиқат, биринчи котиб таъкидлаганидек, кексаси бор элнинг ўзгача файзи, баракаси бўлади. Зотан, иқтисодий ислоҳотлардаги ютуқларимизда кўпни кўрган нуронийларимизнинг ибратомуз тажрибалари, пурҳикмат маслаҳатлари ҳамда шижоатли фаолияти бор.

Тўйга тўёна билан деганларидек, йиғилганлар «Пахтаобод» жамоа ширкат хўжалиги ижарачиси Ҳаким бува Усмоновнинг республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига 70 турда полиз маҳсулотлари етиштираётганлигини ҳамда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб катта боғ яратаётганлигини мамнуният билан қарши олишди.

Илҳом КАРОМОВ.

АВВАЛ ПЕТКАЖОНИНГНИ АСРА!..

Муносабат

«Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хом хаёлга учмаслик керак».

Узбекистон Республикаси Президентининг ЎзА мухбири саволларига берган жавобидаги ушбу сўзларни ўқир эканмиз кейинги пайтда Россия матбуоти саҳифаларида тез-тез чиқаётган қатор мақолалар кўз ўнгидан ўтади, кишининг.

...Воронеж вилоятининг Каменка қишлоғида даҳшатли ҳодиса юз берди: 8 ёшли Петенка фермадаги ғунг-қий шалтоғи тўла ҳандаққа чўкиб ҳалок бўлди!

Бахтсиз тасодиф эдими, бу?

Йўқ, юз бериши муқаррар бўлган фожиалардан бири эди!

Ота-она сурункасига ичаверган, алжиб-бижғиб, думалаб-юмалаб уйдан ташқарига чиқмаган. Нима бўлиб, оғилхонада сигир борлиги, емишидан хабар олинмаса очидан тарракдек қотиши эсга тушган. Маст-аластлик оғусидан мияси бўшамаган одамнинг оғилхонасига ем-хашакни Ҳизр бува ташлаб кетармиди!..

Хуллас, ота-она 12 ёшли Мишка билан 8 ёшли Петкани фермага жўнатган. Ферма дўкон эмаски, хашак сотилса. Мишка ферма қоровулини чалғитиб турган, Петка эса хашак ўмаришга киришган. Демак, акауканинг хашак «ови» биринчи марта эмас. Бу ёғини сўрасангиз, ака «зиммаси»даги вазифани уддалаб уйига қайтса, укасидан дарак йўқ. Отасига, онасига айтган, эрхотин Рижихларда эса 8 ёшли ўғилчадан хавотирланишга... ҳафсала етмаган. Бир кун, икки кун, учинчи куни ҳам Петкадан ному нишон йўқ, «Чепуха, — дейди ота қўл силтаб. — Оч қолса уйга қайтмай, ғўрга кирармиди!»

Афсуски, Петкажон шўрлик чиндан ҳам ғўрга кетган экан: у хашак ўғирлаётиб иккинчи қоровулнинг шарпасини сезиб қолади, яшириниш илинжида пичан уюми панасига қочиб ўтадию, зимистонда шалтоқ тўла ҳандаққа ботиб кетади...

Энди андек мулоҳаза юритайлик: бу, Петканинг фожиасими? Рижихлар оиласининг кулфатими?.. Ҳар кишининг, ҳар оиланинг тақдирида мамлакатнинг, жамиятнинг акси кўринади, деган ҳикматли гапни эсласак-чи?!

Ойлар мобайнида маош ололмай, қилар ишининг тайини бўлмай ичкиликка муккадан кетган эркак-аёллар... «Давр тақозоси» дея ижтимоий муҳофазадан маҳрум этилган успирин йигит-қизлар... Россия аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатда 400000 ногирон бола бор. Усмирлиқ ёшига етган 50 000га яқин болада муттасил касалланиш қайд этилмоқда. Бош миясида қон айланишининг бузилишидан болалар қон босими хасталигига дучор бўлмоқда. 80 фоиз боладаги ногиронликнинг асосий сабаби — асаб тизимининг бузилиши, кўриш ва эшитиш аъзоларидаги қусурларда. Шунга қарамай, Россияда болалар касаллигининг олдини олиш ва уни даволашга тиббиётчи олим, академик Ю. Велтишевнинг фикрича, «ветеринарча ёндашув» давом этмоқда, яъни гўдакнинг вазни ортиб боряптими, демак, ҳаммаси жойида деб қаралмоқда. Боланинг ақлий-интеллектуал ривожланиши билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Шу ўринда таъкидлаш керак: Россияда ҳар 100 боладан 2 нафари ақлий ривожланишдан орқада қолмоқда, 50 нафари эса 6 ёшдан мактабда ўқишни бошлашга тиббий-психологик, таълим-тарбиявий жиҳатдан тайёр эмас. Биргина Воронеж вилоятида кейинги икки йил ичида 500 бола ўз ота-оналарининг ур-сури, ичкиликбозлиги касридан уйларини ташлаб, қочиб кетган...

Булар, Россиянинг бугунги «фаровон» турмушидан ҳикоя қилувчи айрим маълумотлар, холос. Улар тўқиб чиқарилмади, Россия матбуоти саҳифаларидан олинди. Шунга ўхшаш муаммоларни бартараф эта олмай боши қотган собиқ «оға»ларнинг аҳволи устидан кулиш ниятидан йироқмиз. Фақат шундайин оғир кунларга қолган мамлакатнинг сара ақл эгалари (яъни, думачилари) рўзғорни аллақачон бўлак қилиб яшаётган мустақил давлатларни елкасига ўтқазишни кўнгли тусаганини тушунолмайсан, киши! Катталик туйғуси бунча ширин бўлмаса?!. Ўзингни эпла, рўзғорингни бутла, Петкаларингни, Петкажонни ютган ҳандаққа ботишдан ўзингни асра — «интеграция» деб номланган ҳамкорлик, ҳуқуқларга даҳл кўрсатмайдиган қўшничилик қочмайди. Фақат Узбекистон соғлом интеграция майдонига бировнинг елкасига миниб ҳам, ўз елкасига аллакимларни мингаштириб ҳам кириб бормоқчи эмас.

Хом хаёлга учмаслик учун лоақал шу аҳду қарорни қатъият билан қалб-шуурга муҳрлаб олмоқ зарур бўлади.

Х. НАБИ,
А. БОЛИ,
шарҳловчилар.

ДУНЁ Воқеалари

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР



Ҳиндистон: қадимий қалъа ёнидаги кўҳна ҳовуз.

ЧАРХПАЛАК

ХИТОЙ билан АҚШ дипломатия вакиллари ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Хитой вакиллари ўз давлатининг ядро қуроли ясаш мумкин бўлган технологияни Покистонга сотмаганини маълум қилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг хабар беришича, музокарада Хитой ядро саноати корпорациясининг раҳбарлари ҳам қатнашган. Улар Покистонга берилган ядро технологиясидан фақат тинчлик мақсадида фойдаланиши мумкин, бундан ташқари, Хитой ядро қуролларини тақиқлаш бўйича халқаро шартноманинг имзоланиши тарафдори, дея таъкидлашган.

***

ГРУЗИЯ пойтахти Тбилисида мамлакат парламентининг Абхазия можароларини бартараф этишга бағишланган фавқулодда мажлиси бўлди. М ажлисда мамлакатнинг мудофаа, ички ишлар, қочқинлар ва уларни кўчириш ишлари бўйича вазирликлари, прокуратура, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва миллатлараро муносабатлар қўмитаси раҳбарлари иштирок этди. Мажлис режада кўзда тутилганидан бир кун кейин чақирилди. Бунга сабаб, парламентнинг Абхазия фожиасини ўрганиб чиқишни бир оз кечиктиргани бўлди, дейилади хабарда.

***

ГААГА халқаро суди Югославия халқ армиясининг уч нафар зобитини ҳибсга олиш ҳақида халқаро кўрсатма берди. Улар 1991 йилда Вуковарда бир қанча ҳарбий жиноятни амалга оширганликда айбланмоқда. Мазкур қарор март ойида уч зобит — Миле Мкршича, Мирослав Радич, Веселин Шливанчанин иши бўйича бўлиб ўтган тергов ишларидан сўнг қабул қилинди.

КУЧЧИКАР МАМЛАКАТИДА

Япон миллати узоқ умр кўрувчилар ҳисобига бойиб бормоқда. Кексайиш рамзи юз ёшлик маррадан ўзди. У 1994 йилнинг кузида 5593 кишини ташкил этди. Шундан 4500 киши аёллардир. Ўтган йилда бу рақам 791 кишига қўпайди. Натижада Япония тарихида биринчи марта беш минг кишилик маррадан ўтилди. 24 йилдан буён сурункасига узоқ умр кўрувчи кишилар сони ўсиб бормоқда.

1963 йилда бутун Японияда уларнинг сони 153 киши эди. Япониянинг энг кекса фуқароси Танэ Икаи хоним бўлиб, у Нагое шаҳрида истиқомат қилади ва 116 ёшга кирган.

***

Японияниинг мурғак мактаб ўқувчилари ҳар хил ўйинлар ва кўнгил очар машқларда қувнаши учун мутлақо вақт етмайди. Чўнки улар кун буйи ўқув машқлари билан банддир. Ҳар бир беш мурғак япон боласидан тўрттаси бўш вақтини хусусий репетиторлик синфларида ёки спорт машқларида ўтказади. «Эн-эйч-кей» телерадиокомпанияси 1200 ўғил ва қиз болалар орасида ўтказган сўровида ана шу натижа аниқланди.

***

Токиодаги фонд биржасида рўйхатдан ўтказилган 1622 компания ўртасида Японияниинг «Тойотамоторз» автомобиль гиганти эълон қилинган даромадлар ҳажми бўйича етакчи ўринни 12 йилдан буён эгаллаб келмоқда. Тўланадиган солиқларни ҳисобга олмаганда бу даромад 1994 йилда 130,7 млрд. иен (1,3 млрд. доллар)ни ташкил этди. «Токио электрик пауэр» энергетика фирмаси ва «Япония темир йўли — Шарқ» компанияси иккинчи ва учинчи ўринларга чиқди.

***

Япония яқин вақт ичида ишлаб чиқаришда таркибий қайта қуриш қилмаса 2000 йилга бориб 4 млн. ишчи ўрнини йўқотиши мумкин. Мамлакатнинг хусусий илмий-тадқиқот институти ана шундай башоратни эълон қилди. Институт экспертлари кейинги уч-тўрт йил ичида мамлакатда ишлаб чиқаришни хорижий элларда ташкил этиш тушунчаси мамлакатда ишчи ўрнининг камайиши хавфини туғдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг уч йиллигига

ОЙДИН КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Аҳолимизнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб уларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги, ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳам каттадир.

Республикамиз аҳли халқ хўжалиги, ижтимоий, иқтисодий ривожланишида қанчалик муваффақиятга эришган бўлса, уларнинг барчасида хотин-қизларнинг ҳам улуши бор.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик каби хусусиятларни талаб қилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар йўналиши айни кунда барчамизнинг вазифаларимизни белгилаб бермоқда. Шу муносабат билан мулкка эгалик қилиш, халқ эҳтиёжи учун зарур товарлар ишлаб чиқариш, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил қилиш аёллар ўртасидаги ишсизликни тугатишда муҳим омил бўлиб қолди. Ўз навбатида яна бир нарса хусусида тўхталиб ўтишни лозим топардим. Аёлларни иш билан таъминлаш, давлат бошқарув ишларига жалб қилиш муаммолари улар фақат аёл бўлгани учунгина эмас, балки бу масала уларнинг қобилиятига, ақлий имкониятига, иқтидорига ва ташкилотчилик хусусиятига, тартиб-интизом ва ахлоқига, қолаверса, эътиқодига аосланиб олиб борилиши керак деб ҳисоблайман. Шундагина республикамизда қобилиятли аёллардан давлат арбоблари ва бошқа раҳбарлар етишиб чиқади.

Биз республика ишбилармон аёллар ассоциациясини ташкил қилдик. Унинг мақсади хусусий ва кичик корхоналар, айниқса, қишлоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи цехлар қуриш, уларни керакли дастгоҳлар билан таъминлаш ва шароитлар яратиб беришдир. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Эрон, Арабистон, Туркия, Хитой ва бошқа чет мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз. Бундан ташқари, Нукус шаҳри ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда бозор, «карвон сарой» барпо этишга киришдилар. Тахтакўпир туманида жун-тери маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона лойиҳаси тайёрланмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясидаги нутқида «Бозор муносабатлари ва иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар чуқурлашган сари аҳолининг турмуш даражасига таъсир қиладиган камчиликлар ҳам сўзсиз пайдо бўлишини назарда тутишимиз керак. Шу сабабли ижтимоий сиёсатни унутмаслигимиз лозим. Ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўналишни кучайтириш зарур» деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини, яъни кўп болали, кам даромадли оилалар, ногирон ёки касалманд оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни биз бурчимиз деб биламиз.

Оила тинчлиги, осойишталиги, барқамоллиги, бахти, ҳамжиҳатлиги жамиятимизнинг, мамлакатимизнинг барқамоллиги, бахти бўлиб ҳисобланишини дилдан ҳис қиламиз.

«Биз бугун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, одамларнинг соғлиги, миллатнинг соғлиги тўғрисида қайғуришимиз керак». Президентимизнинг қуйиниб айтган бу гаплари бизни бефарқ қолдириши мумкин эмас. Ҳар биримиз онамиз. Қураётган давлатимиз, мустақиллигимиз, она юртимиз барчаси фарзандларимиз учундир. Шунинг учун ҳам болаларимиз соғлиги, тарбияси, билим олиши ва бошқа жиҳатларга эътиборни кучайтириш бугуннинг долзарб талаби бўлаётир.

Болалар боғчалари фаолиятини яхшиламасдан туриб ниятимизни амалга ошира олмаймиз.

Ўйлаб кўринг, кейинги беш йил давомида республикамизда мавжуд болалар боғчаларидан 137 таси ёпилиб қолди. Айрим туманларда боғчалар ўрнига мактаб боғчалар ташкил қилинмоқда. Баъзи бинолар эса қаровсизликдан яроқсиз ҳолга келган. Бепарволик оқибатида фарзандларимиз тарбияси учун муҳим бўлган иншоотлар йўқ бўлиб кетиш хавфи бор.

Туман ва шаҳар ҳокимлари бундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини белгилашлари лозим. Ўша бинолардан мактаб боғчалари ташкил қилиш, уларни бақувват корхоналарга биркитиш, борларидан тўлиқ фойдаланиш зарур.

Ўтаётган ҳар бир кунимиз мустақилликни мустаҳкамлашда, жамиятимизда осойишталикни барқарор қилишда ақлидрок билан иш тутишимизни талаб қилади. Орамизда шундай оқила, меҳнатсевар, жамиятимизга катта меҳнати сингган аёлларимизнинг борлиги бизни доимо қувонтиради. Насиб этса, хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил қилинган «Ишбилармон аёллар ассоциацияси», «Илмпоз аёл», «Ветеран аёллар», «Оила ва рўзғор», «Матбуот ва хотин-қизлар», «Ижодкор аёллар», «Она, бола ва экология» жамоатчилик бирлашмалари орқали ҳам кўп юмушларни амалга оширамиз.

Бу ишларда бизларга Конституциямиз, Президентимизнинг ҳар бир кўрсатма, йўл-йўриқлари улкан дастуриламалдир. Адолатли давлатнинг бахтли оналари бўлишдек бахт бизларни ойдин ва бахтли келажагимиз масъулиятини янада чуқурроқ англашга ва эл-юрт юкини тенг тортишишга рағбатлантираверади.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

СОҲИБҚИРОН ЖАМОЛИ

ҲАЗРАТ АМИР ТЕМУР СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Пўлат ЗОҲИДОВ,
архитектура фанлари доктори.

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.
Темурбек юлдузи Олтин Қозиқдек —
Чарақлар буюклар қаҳкашонида.

Абдулла ОРИПОВ.

Миллий истиқлолнинг икки йиллиги арафасида мустақиллик шарофати билан она юртимиз пойтахти марказида Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали пайдо бўлди. Бунда беқиёс тарих рамзи, эл меҳри, фахру ғурури мужассам топган.

Тарихий ҳайкалнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов айтган қалб сўзлари замирида улкан тарихий ҳақиқат, адолат, ғурур бор. Бутун дунёга баралла янграган сўзларни эслаб ўтамиз: **«Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини ўрнига қўйиш имконидан маҳрум эди.**

Амир Темур тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.»

Ҳазрат Амир Темурнинг ҳайкал сиймосига буюк эҳтиром билан боқар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимиздан бобокалонимизнинг шахси ва тақдири билан боғлиқ бўлган турли тарихий воқеалар, тадқиқотлардаги турфа талқинлар ўтади. Ўтмишдаги қатор кажрафтор уринишлар, тарихни сохталаштиришнинг аянчли оқибатлари хаёлга келади. Ҳайрат ва нафрат уйғотадиган лаҳзаларни эслаймиз. Тарихан мислсиз ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турган ҳозирги замонда, тарих ҳақиқатларини ҳар қандай лойқалардан тозалаб, очиқ юз билан келажакка қарашимиз айни муддаодир.

Амир Темурнинг сиймоси қандай бўлган? Бу саволга жавоб топиш йўлида кўп нарса эсга тушади. Баъзи ҳужжатларни танқидий назар билан қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Кўпчилик тасвирий талқин ва шарҳлар М. Герасимов «илмий жиҳатдан асослаб» ишлаган бюст — ҳайкалга бориб тақалади. Бизнинг таҳлилимиз ҳам асосан шу олимнинг илмий ижод методи билан боғлиқ. Масаланинг моҳиятини, тарихий тазйиқ таъсирини тўлароқ ҳис этиш учун баъзи тафсилотларни эслаб ўтамиз.

МУЛОҲАЗА ВА АНДИША

Ҳазрат Амир Темурнинг ташқи қиёфаси қандай бўлган? Гарчи бу саволга 1941 йилда М. Герасимов томонидан Амир Темурнинг бюст-ҳайкали яратилиб, гўё ўзил-кесил илмий жавоб топилган бўлса-да, давр ўтиши билан ҳали бу масалада жиддий муаммолар борлиги аён бўлди. М. Герасимов талқинидаги Амир Темур қиёфаси кўпчилик олимларга маъқул бўлмаган. Хусусан, ҳайкалда мужассам топган жаҳонгирнинг даҳшатли башараси, унинг бошидаги металдан ишланган Гур-Амир мақбарасининг гумбазини эслатувчи дубулга қалпоғи қандайдир ғайри табиий кўринишни намойиш этарди. Амир Темур тузукларини қайта нашр эттириб, соҳибқироннинг Марказий Осиё тарихида тутган ижобий ўрни ҳақида дадил тадқиқотни бошлаб берган матонатли академик Иброҳим Муминовнинг бир ормонли орзуси ҳақида Г. Саломов ўз эсдаликларида ошкор этади: «...таниқли урис одамшуноси ва қадимшунос М. М. Герасимовнинг жаҳонгир қабридан қазиб олинган бош суягига қараб чизган ҳайкал тасвири устознинг ғашини келтиради. Бу улуғ бобокалонимиз Амир Темур хотирасига туҳмат, ўзбек халқига ҳурматсизлик деб қарар эди. Чунки домланинг айтишича, шавкатли бобомиз Темурбек Герасимов чизгандек даҳшатли, бадбашара бўлмаган. Аксинча, қиёфаси кўркам ва бениҳоя файзли зот бўлган. Шу боис мен бир неча дафъа устознинг ўз оғизларидан эшитганманки, Темур Курагоннинг сувратларини янгидан, Ибн Арабшоҳ тасвири асосида чиздириш нияти борлигини, бунинг учун ҳозирги ўзимизнинг ўзбек рассомлари орасидан бирор диёнатли кишини сураб-суриштириб юрганларидан хабардорман», (Ифтихор ва армон, «Ёш куч», 1991, 10).

Халқимизнинг юракдан сезиб, орзу этган, хаёлида тасаввур этиб, кўз олдига келтиришга ҳаракат этган тарихий сиймо — юксак ирода, шижоат, мардлик, одамийлик, кенг тафаккур эгаси, ғоят сергак, тадбиркор, билимдон, ўткир зеҳнли буюк инсоннинг суврат ва сийратини ҳаққоний ифодалайдиган вақт келди.

Амир Темурнинг ҳақиқий сиймосини яратиш тарих олдидаги бурчимиздир. Қачонгача маломат тошидай оғир туҳматга чидаб келамиз? 1993 йил баҳорида бу мақсадда тадқиқот ишлари янгидан бошлаб юборилди:

Ижодий гуруҳ (архитектор-санъатшунос, антрополог, археолог, ҳайкалтарош ва ҳ. к.) уз олдига қўйидаги асосий вазифаларни қўйди: — Амир Темур сиймосини белгилашга тегишли барча материалларни (тарихий, иконографик, этнографик, ва ҳ. к.) йиғиштириб тартибга солиш, танқидий урганиб чиқиш;

— Амир Темур калла суяги ўлчамларини, хусусиятларини чуқур урганиш, антропология фанининг охирги ютуқлари асосида қайта таҳлил этиш;

— Амир Темурнинг ҳайкал-портретини янги таҳлил ва маълумотлар асосида қайтадан ишлаш — янги портрет яратиш.

Қуйида буюк инсон ҳазрат Амир Темурнинг ҳақиқий сиймоси, тарихий қиёфаси — суврати ва сийратини аниқлаш йўлидаги баҳсли мунозара, танқидий мулоҳаза, изҳор талаб мулоқотларни қисман таъриф-тавсифлаб утмоқчимиз. Соҳибқирон ҳазрат Амир Темур сиймосини тиклаш соҳасида бир неча йил давомида олиб борилаётган тадқиқот, изланишлар, текширишлар, таҳлил ва талқинлар, натижа ва хулосалар ҳақида дастлабки қисқа маълумотни бермоқчимиз.

Қалб даъвати билан ўта масъулиятли, ғоят қутлуғ ишга енг шимарганда дастуримиз сарҳадига Заҳириддин Бобурнинг огоҳлантириб таъкидлаган ҳикматларини ёзиб қўйдик: **«Ҳар бир иш зимнида минг мулоҳаза ва андиша лозимдир»**. Ахир Амир Темур ҳазратларининг ҳақиқий жисмоний қиёфаларини тасаввур этиш, асрлар оша буюк инсон билан юзма-юз мулоқотда бўлиш осон эмас. Бу жабҳада минг мулоҳаза ҳам оздек кўринади.

ДАСТЛАБКИ ТАЛҚИН

Гўри Амир мақбарасидаги қабрларни очиб урганган махсус ҳукумат экспедициясининг илмий нуфузи баланд бўлган қабрларни очиш натижасида жуда муҳим маълумотлар жамланди, баъзи муаммоли масалаларга аниқлик киритилди, илмий хабарлар эълон қилинди. Бажарилган илмий тадқиқотлар ичида кенг маълум бўлгани ҳеч шубҳасиз, антрополог — одамшунос М. Герасимов томонидан топилган калла суяклари асосида Амир Темур ва унинг фарзандлари Шоҳруҳ ва Улуғбекларнинг ҳайкал сиймолари яратилиши бўлди. Биз бу ўринда асосан Амир Темур ҳайкал портрети билан боғлиқ баъзи баҳсли масалаларга тўхтаб ўтамиз.

М. Герасимов «Бош суягидан башарани тиклаш асослари» («Основы восстановления лица по черепу», М., 1949) асарида шахсан иқрор бўлиб айтишича, ўзи тадбиқ этаётган методиканинг камчиликлари ҳали кўп, ҳозирча бошланғич поғонада экан. Ўша довруги кетган машҳур китобга сўзбоши ёзган антрополог олим Я. Я. Рогинский ҳам киши қиёфасини краниологик материал асосида қайта тиклаш соҳасида ҳали муаммолар кўплигини, хатолар бўлиши мумкинлигини ўқтириб ўтади. Унинг фикрича, юзнинг асосий элементларини фақатгина калла суяги асосида аниқ реконструкция этиш мумкин эмас. Портрет учун характерли бўлган кўз, лаб, бурун, қулоқ каби қисмларнинг худди ўзидек шаклу шамойилини суяк асосида белгилаш имконияти йўқ. Чунки ҳар бир бўлак аъзо ҳар шахсда фақат унга хос бетакрор бўлади.

М. Герасимов аниқ материал асосида бирор тарихий шахснинг сиймосини тиклаш билан бирга «тиклаш жараёнининг методикаси ҳозирча ибтидоий ҳолатда» (46-бет) эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Олим кўпинча ўз тажрибаси, кузатишларига асосланиб тарихий шахслар сиймосини тиклар экан, у ишонч билан портрет реконструкциясида аслига айнан ўхшашдикка (46-бет) эришдим, деб даъво қилади. Лекин олимнинг Амир Темур, Шоҳруҳ ва Улуғбек сиймоларини тиклаш соҳасидаги ишлари натижасини диққат билан кузатар эканмиз, унинг кўп жиҳатдан асосан шахсий тажрибаси, имкониятлари, тарихий этник типларни тушуниши, қолаверса, баъзи жиҳатлардан давр мафкурасининг салбий таъсири қамровида бўлганлиги очиқ-ойдин сезилиб турибди.

М. Герасимов тассуф билан Амир Темурнинг ташқи кўриниши ҳақида маълумотлар жуда камлигини, уларнинг аксари ноаниқ ва чалкаш эканлигини айтиб уксинади. Айни вақтда ўзи ҳам мавжуд хабарларга, маълумотларга эътиборсизлик натижасида қатор хато хулосаларни илгари суради.

Олим Темур скелетини илмий жиҳатдан тавсифлар экан, «бу кучли муғул (монгол) учун нисбатан баланд бўйли (чамаси 170 см.) бўлган одам скелетидир» (152-бет), деб хулоса чиқаради. Эътибор беринг: олим Темурни ҳеч шубҳасиз гўё муғул қавми вакили, баъзи ўринларда атайин муғул деб ҳисоблайди. Ҳатто у Темурнинг бўйи-басти муғул қавмига нисбатан баланд бўлганига ажабланиб қарайди. М. Герасимов бир неча марта Темур авлоди турклашган муғул қавми деб ҳам таъкидлайди, шу асосда Темур портретини тиклашга киришади. Яна бир жойда олим Темурнинг қошлари қуюқ, бароқ бўлган (156-бет), деб тўғри хулоса қилар экан, бундай бароқ қош муғулларга хос деган нотўғри хулоса билан Амир Темурни ҳам муғул қавмига киритиб қўяди.

М. Герасимов соҳибқироннинг кўзлари «муғулчасига қисиқ» бўлиши керак деган даъвони қилади. У Амир Темур калла суягидаги кўз косалари нисбатан катта эканлигини алоҳида эътироф этса-да, улар оралиғининг кенглиги Темур кўзларини муғулларга хос қисиқ бўлишини тақозо этади (156-бет) деб энг жиддий нотўғри хулоса чиқаради. Қизиғи шундаки, олим ўз хулосасини тезда инкор этади. Унинг ўзи калла суягидаги бурун асосининг анчагина туртиб чиққани, қош тепасидаги ўрта қисмнинг (рельеф средний части надбровья) бўртмаси, ўша шахс сиймосида, муғул аломатлари нисбатан сезилмас даражада эканлигини алоҳида қўрсатиб ўтади. Олим калла суяги нисбатан катта эканлигини таъкидласа-да, Амир Темурнинг қулоқлари унча катта эмас, миқти, муғуллар қулоғининг худди ўзидек бўлган(?) деб даъво қилади. Типик муғул қулоғи каллага нисбатан номутаносиб бўлармикан? Қолаверса, Амир Темурнинг қулоғи худди муғул қулоғидек кичик бўлган деб кулгили хулоса чиқариш учун яна қанақа илмий мулоҳаза керак?

Тошкентлик антрополог олим Л. В. Ошанин Темур ва темурийлар скелетларини антропологик тадқиқотларига бағишланган якунловчи мақоласида диққатга сазовор кузатишлар қаторида ажабланарли хулосаларни келтиради. М. Герасимов дастлаб Амир Темурни нисбатан баланд бўйли (170 см.) деб ҳисоблаган бўлса, Л. Ошанин эса соҳибқиронни ўрта бўйли (166,5 см) бўлган деб хулоса қилади. (Ошанин Л. В. « Антропологические исследование скелетов Тимура и темуридов. Труди ТашГУ», вып. 232. Т., 1964, стр. 81-113).

Олимнинг қайд қилишича, тобутни очган вақтда биринчи таассурот Амир Темурнинг нисбатан баланд бўйли (относительно высокий — 170 см), суяклари йирик эканлиги кўзга ташланган. Калла суягининг тузилишини таҳлил этиб Амир Темур қиёфасида Сибирга хос монголоид типнинг аниқ белгилари борлигини таъкидлайди. Бунинг акси ўлароқ, Темурнинг ўғли Шоҳруҳ қиёфасида эса аниқ европоид типи кучли эканини қўрсатиб ҳайратланади. Темур билан Шоҳруҳ қиёфасидаги кескин фарққа ишора қилиб, ота ва ўғилнинг ҳақиқий қондошлигига ҳатто шубҳа билдиради. Шоҳруҳ келбати Мовароуннаҳрга хос Помир-Фарғона типига тегишли деган хулосага келади. Худди шу каби хулосаларни Улуғбекнинг қиёфаси тавсифида ҳам такрорлайди.

Қизиқ, отаси юз тузилиши жиҳатидан ҳақиқий монголоид бўлиб, унинг ўғли ва набираси эса ирқий жиҳатдан бутунлай бошқа тузилишда, яъни европоид типида эмиш? Демак бу каби қалтис хулоса ва чигал муаммога ҳам илмий изоҳ ва тушунтириш талаб бўлиб турибди.

М. Герасимов томонидан тикланган Амир Темур портрети кўп жиҳатдан нотўғри эканлигини тарихчи Б. Пардаев алоҳида таъкидлаб, («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 9 апрель, 1994), ҳайкалтарош Темурни даҳшатли ва ўта совуқ қиёфали қилиб тасвирлашга ҳаракат қилганини муаллиф «балким бу биргина Герасимовнинг хатоси эмасдир, у яшаган давр ва жамият ўзи шундай бир жамият эдики, бошқача ёндашишнинг ўзи ҳам амримаҳол бўлган», — деб умумлашма хулоса чиқаради.

Б. Пардаев антрополог — ҳайкалтарош мутахассислиги соҳасидаги ҳали такомил топмаган методика туфайли содир бўлган қатор ғоят муҳим хатоларни эслатиб, калла суяги ўлчамларида принципиал нотўғри талқинга сабаб бўлган камчиликларни қўрсатиб беради.

ТАРИХ ДАРАГИ

Энди асосий масалага ўтайлик. Амир Темурнинг қадди-қомати, келбати, қўринишидаги ўзига хос томонлари, суврати ва сийрати ҳақида қандай тарихий ишончли маълумотлар мавжуд? Тарихий ёдномаларни кузатсак, ҳақиқатан ҳам ҳозирча ниҳоятда оз ва қисқа маълумотларни топамиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир кичик хабар ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг «Ажоиб ал мақдур» асарида Амир Темур қиёфасига, суврат ва сийратига оид қисқа, аниқ таърифларни учратамиз. Ибн Арабшоҳ 14 ёшида Амир Темурни шахсан кўрган, турли йиғинларда унинг савлати, муомаласи, кўринишини яқиндан кузатган, кейинроқ эса, жаҳонгирнинг яқинлари ва ҳатто душманлари билан суҳбатларда бўлиб тарихий маълумотлар билан бевосита танишиб, соҳибқирон ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотга эга бўлган. Шарқшунос А. Якубовский ўз тадқиқотларида Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга нисбатан анчагина танқидий назар билан таърифтавсиф берганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Демак, Ибн Арабшоҳ ўз эсдаликларида Амир Темурга нисбатан шахсий адовати бўлгани учун ҳам, унга хусусан ижобий таъриф берар экан, бу баҳо ҳаққонийлигига ишонмоқ керак.

Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги таъриф сўзларига эътибор берамиз: «у (Темур) ёшлигидан ақлли, очиқ кўнгил, жўръатли, қатъий кучли ва қобилиятли бўлиб» ўсди (1-китоб, 72-бет); «у бехато фикрли, ажойиб фаросатли... улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди. У (бировдан) бир гап эшиттанда далил-талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб билиб турар эди» (2-китоб, 65-бет).

«Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши...» (71-бет). Ибн Аарабшоҳ Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини юксак ҳурмат билан таърифлайди. Унинг идроки, иродаси, тадбиркорлиги ҳақида ҳайрат билан ёзади.

Бизни қизиқтираётган асосий масала — Амир Темурнинг қиёфаси, унинг тасвирий портрети муаммосига диққат-эътиборни жалб этамиз. Соҳибқироннинг афт-ангори, юз тузилиши, унинг кўзга ташланадиган жисмоний жиҳатларининг таърифини асосан Ибн Арабшоҳда топамиз. Р. Г. Клавихо кузатишида эса бироз қўшимча таъриф учратамиз.

Ибн Арабшоҳ ёши олтмишдан ошиб кетган, ўша давр қарашида ниҳоятда нуроний бўлиши керак. Соҳибқиронни қуйидагича тасвирлайди:

«Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб кенг пешоналик, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу-қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди». (2-китоб, 65-бет). Худди шунга яқин таъриф Амир Темур билан яқин мулоқотда бўлган файласуф тарихчи Ибн Холдун эсдаликларида ҳам келтирилган.

Ибн Арабшоҳ таърифи жуда аниқ ва лўнда, ҳеч қандай изоҳсиз тасвирланган шахсни кўз олдига келтириш мумкин. Ижодкор рассом учун, унинг таърифлаган ҳар бир сўзи соҳибқироннинг бадиий образини яратиш учун асос бўла олади.

Ибн Арабшоҳнинг ёшлик пайтидан қолган тассуротлари асосида соҳибқироннинг ташқи қиёфасини муқояса тасаввур этишга, унинг ёнига бошқа манбалардан йиғилган, хусусан калла суяги белгилари хусусиятларини жамлаб ҳайкалда мужассам топган сиймони таърифтавсифини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

«Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли... қадди-қомати камолига етган...» Амир Темур қабрини очган вақтда махсус комиссия ҳазолари таъкидлаганидек, улар нигоҳига келбати йирик одам суяклари кўринган. Дастлабки таҳминларда соҳибқироннинг бўйи 170 см. чамаси деб эълон қилинган. Кейинги талқинларда эса, нима учундир бу ўлчам камайиб, ҳатто 166,5 см. экан деб махсус «илмий» хулосалар чиқарилди. Ўша даврда берилган суяклар ўлчамлари орқали ҳозирги антропология фанида қабул қилинган методика асосида Т. Хужаев ҳисоблаганда Амир Темурнинг бўйи 171,5 см. бўлиб чиқди. Бу ёши қарийб 70 ёшдаги нуроний кексанинг қадди. Кучга тўлган бақувват, норғул пайтида унинг бўйи-басти, қадди қомати янада баланд, барваста бўлгани аниқ. Ибн Арабшоҳ таърифлаганидек унинг кўриниши қадимий паҳлавонлар авлодини эслатарди.

«...кенг пешонали, катта бошли...» Антрополог олимлар қабрдан олинган калла суягини ниҳоятда синчиклаб урганишди, тўлиқ тафсилотларни илмий ҳисоблорда эълон қилишди. Ҳаммалари ҳам Амир Темурбек бош суяги ҳажм жиҳатидан нисбатан катта, пешонаси кенг ва дўнг эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

«...ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас... серсоқол...» Ибн Арабшоҳ алоҳида таъкидлаб ўтганидек Амир Темур буғдойранг эмас, балки оқу қизил юзли, соқоли малларанг бўлган. Бутун умри ҳарбу сафарларда, чўлу биёбонлар, тоғу тошни кезган, пишиб чиниққан аскарлар қорайиб чўнгиб кетганидан, таъзия маросимида улар қора киймаса ҳам қора либос кийгандек деб киноя қилган Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг ранги руҳсорини хатосиз кўрсатиб беради. Бундай танбеҳлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, Амир Темур насабида муғул қавмига хос белгилар ниҳоятда камлигидан дарак беради. Ҳозирги антропология фанининг таъкидлашича, муғуллар асосан буғдойранг, баданида мўй-тук деярли бўлмай, соқоли кўсага мойил экан. Бунинг акси бўлган Амир Темур насабида туркийлар белгилари асосий эканлиги яққол сезилиб турибди. Онаси Тегина хотиннинг Бухоро фарзанди, яъни шаҳар садр ашшариасининг қизи эканлигини унутмаслигимиз керак. Рассом П. Беньков асримизнинг бошида Бухоро шаҳри алломаларининг характерли портрет

ЎЗБЕКЧА ТУШ КЎРАДИГАН ПАҲЛАВОН

Менинг суҳбатдошим —Андижон иқтисодиёт ва муҳандислик институти қошидаги Мирзо Улуғбек номли иқтисодиёт лицейининг 11-синф ўқувчиси. Ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмаган Паҳлавон Тўланов. У яқинда пойтахтимизда ўтказилган ўқувчиларнинг республика олимпиадасида немис тили фани бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, талабалик гувоҳномасини олди.



Қутлуғ кун

— Паҳлавон, сизни ғалаба билан табриклайман. Мамлакатимиздаги кўп миллионлик ўқувчи-ёшлар орасида иккинчи бўлиш осонмас. Қолаверса, ҳеч бир ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бу баҳсда сизни билимингиз қўлдими ёки омадингиз келиб қолдими?

— Мен ўтган йили Бухорода бўлган республика олимпиадасида ҳам қатнашганман. Ўшанда тенгдошларимнинг билимини, топқирлигини кўриб, вилоятдан шунчаки омадим келиб ўтиб кетганимга иқрор бўлгандим. Чунки бор-йўғи 55,5 фоизни топиб, 11-ўринда қолдим. Менга қаттиқ таъсир қилди. Олимпиададан қайтган кунимиздан бошлаб, бир йил давомида ўқитувчимиз Тоҳир ака билан астойдил тайёрландик. Менимча, бугунги ғалаба бир йиллик меҳнат ва ўтган йилги сабоқнинг хулосаси бўлди шекилли.

— Баъзан она тилимизда учрайдиган айрим сўзларнинг асл маъносини билолмай қийналгучилар ҳам учрайди. Сиз эса бутунлай бегона тилни шунчалик қисқа муддатда ўрганиб, анча эркин гаплашмоқдасиз. Бунинг сири нимада?

— Тўғрисини айтсам, ўтган йили лицейга ўқишга кирганимда ҳам мен немис тилига умуман қизиқмасдим. Ўқитувчимиз доимо Гётенинг: «Кимки бирор бегона тилни билмаса, демак, у ўз она тилида ҳам мукаммал сўзлоқ айди» деган гапини такрорлар ва менга ҳар гал «Сен — ҳаммадан зўрсан!» дерди. Ўша мақтовга лойиқ бўлиш учун ҳам немис тилига кўпроқ вақт ажратадиган бўлдим. Лекин ҳақиқий қизиқиш Бухородан қайтганимиздан сўнг уйғонди.

— Қанча немисча сўз билишингизни, тахминан бўлса-да, ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз?

— Ҳа, аълога ўқийдиган ўрта мактаб ўқувчиси ўртача 950та сўз билиши керак. Мен ўзимнинг камида 2000 та сўз билишимга ишонаман.

— Немисча ўйлашга ҳаракат қилиб кўрганмисиз?

— Ёнимда ҳар доим чўнтак луғати юради. Ўзим билан ўзим немисча гаплашишга ҳаракат қиламан. Ухлаётганимдагина ўзбекча туш кўраман. Қолаверса, ўқитувчимиздан бўлак бошқа ҳеч ким билан немис тилида суҳбатлашиш имконияти бўлмаганни учун ҳам кўпроқ якка ишлашимга тўғри келади.

— Қўлингизда талабалик гувоҳномаси. Энди бу қутлуғ ҳужжатни қайси институтга топширмоқчисиз?

— Худо хоҳласа, Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига!

— Ўзингизни мустақил одам деб ҳисоблай оласизми?

— Йўқ, мустақил эмасман. Масалан, лицейга ҳам отаонамнинг қистови билан кирганман, ўзим аслида Булоқбошидаги 2-ўрта мактабда синфдошларим билан бирга ўқимоқчийдим. Ҳозир ҳам истаганимча телевизор кўролмайман, ўйнолмайман. Бундай одамни мустақил деб бўлармиди.

— Демак, сизга мажбурийлик ва ота-она назорати ҳаёт йўлингизни топиб олишда ёрдам берибди-да!

— Шунақа бўлди, шекилли.

— Паҳлавон, олимпиададан бу гал нима олиб қайтяпсиз?

— Хурсандчилик ва диплом. Олимпиада — менинг тақдирим эканига ишонч олиб қайтаяпман.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди.

КЎРАМАН ВА...

Телеойна

*Сизни билмадим, лекин мен ҳар ҳафта теледастур эълон қилинган газетани оламан-да, кейин... Қалам билан белги қўяман. икки хил белги: +ва - ! **Кўраман ва кўрмайман.***

Олдиндан билмай туриб қандай ҳукм чиқарасиз, дерсиз. Бу ҳар кимнинг кўнглига ҳавола. Чунки ҳар биримизнинг ўз ўлчовимиз бор. Ички бир сезги билан ўзимизча олдиндан эртани «кўрамиз». Баъзан ўша белгилаган кўрсатувим кундузи айни иш кунлари ўтиб кетади. Ачинаман.

Ўтган ҳафта «Телеойна» эълон қилингач, ойнаи жаҳонда ишлайдиган журналистлардан бири қўнғироқ қилиб «Яхши рукн бошлабсизлар. Айниқса, томошабинларнинг мулоҳазалари бизларни кўпроқ қизиқтиряпти. Чунки ҳақиқий баҳони улар айтишади-да. Агар имкони бўлса, кейинроқ телевидение ижодкорларига ҳам сўз берилса» деди.

Бугун эса яна мухлисларнинг мулоҳазаларини оққа кўчирдим:

Садоқат ЖАББОРОВА, ўқувчи:

— «Ташриф» кўрсатуви қизиқарли бўлиб бораяпти. Фақат бир илтимос: бизнинг телефонимиз 41-АТСга тушмайди. Кейинги кўрсатувларда 44 рақами билан бошланадиган телефон ҳам берилса. Мен Муҳаммад Юсуфнинг саволига тўғри жавоб топгандим. Лекин, хабар қилолмадим...

Рашид ХУДОЙБЕРДИЕВ, ўқитувчи:

— Ҳеч қандай муболағасиз айтаман, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви ижодкорлари кечаги жумадан бошлаб яна ўша довруғларини тиклашга уринаётгани сезилди. Айниқса, мавзу яхши танланган. Воқеалар ҳаётий. Энг қувончлиси, актёрлар ижроси жуда жонли чиққан.

Тоҳиржон ЭГАМБЕРДИЕВ, Андижон иқтисодиёт лицейи муаллими:

— Иккинчи дастур орқали ўтган ойда Туркияда суратга олинган «Даниялик келин» фильми намойиш қилинди. Анчадан бери Миср Араб Республикасида ишланган «Виждон» телесериали кўрсатиляпти. Уларнинг ҳар иккиси ҳам эътиқод ва иймонга чорловчи лавҳалардир.

Инсон кўнглини бошқариб турувчи эътиқод туйғуси шу қадар табиий ва тиниқ тасвирланганки, бу фильмлардан таассурот олган ошна-оғайнилар ва ўқувчилар билан ўртоқлашмоқчи бўлсам... Афсуски, кўпчилик «Даниялик келин»ни кўрмабди, «Виждон»дан ҳам бехабар экан. Негаки, биз тарафларда ТВ-2 ни томоша қилиш имконияти йўқ. Мен эса махсус антенна орқали кўрдим. Бундай яхши фильмлар биринчи дастур орқали намойиш қилинса.

МУРОД (Тошкент шаҳридан, фамилиясини айтмади):

— Бир вақтлар овоз ёзиш студиясида ишлаганман. Шунинг учунми, фонограмма орқали берилаётган қўшиқларни кўп кузатаман ва... айрим ҳолларда овоз билан ижрочининг ҳаракатлари тушмай қолганини кўриб ранжийман.

Фозилжон ОЧИЛОВ, доришунос:

— Соат Шарипов менинг тасаввуримда яхши бошловчи ва хонанда сифатида гавдаланган. Шунингдек, телевидение орқали ҳам қизиқарли тайёрлаган кўрсатувлари кўнглимга ҳаяжон олиб кирган. Лекин, яқиндагина бошлаган «Ғолиб курси»сининг номини ҳеч тушунолмаяпман.

Адиба ЙЎЛДОШЕВА, Асакадан: — Телевизор кўришни ҳаммадан ҳам кўпроқ болалар ёқтиришади. Бир-биридан шўх қизчаларим якшанба кунлари бериладиган «Камалак» кино дастурини ва «Болалигим — пошшолигим» видеоканалларини берилиб томоша қилишганда мен ҳам мириқиб дам оламан.

МУНИСА, уй бекаси:

— Менинг ҳам айтадиган бир оғиз гапим бор: биласизми, айтсам кулмайсиз. Бизнинг телевизоримиз битта. Эрим Тошкент кўрсатувларини мутлақо кўрмайди. Мен эса фарзандларим билан бирга, Москва ёки хорижий телекўрсатувларни ёқтирмасам-да, кўришга мажбурман.

«Телеойна»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-37-16;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22. 00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ГАП ЁШДАМИ?

Шунақаси ҳам бўлади

АҚШнинг Калифорния штатидаги Блит шаҳрида яшовчи руҳоний Глинн Вулф 1908 йилнинг 25 июлида таваллуд топган. Отахон 27 марта уйланган. Ҳаётидаги илк никоҳни у 19 ёшида, 1927 йилда ўқитган. Кенжа хотини — филлипинлик Дейзи Делгада (1970 йилда туғилган)ни эса Вулф яқинда ўз никоҳига олди. Айтишларига қараганда, у 27 никоҳдан 41 нафар фарзанд кўрган. Жами 25 нафар қайнонаси бор. Ажабланманг, эрка куёв хотинларининг иккитасига икки мартадан уйланган.

АҚШнинг Индиана штатидаги Андерсан шаҳрида яшовчи Линда Лу Эссекс хоним эса 21 марта турмушга чиққан. Сўнгги эри билан эса 1988 йилда ажралишди.

Дунёдаги энг кекса келин-куёв ҳам АҚШ фуқаролари — Телма Лукас ҳамда Гарри Стивенс ҳисобланади. 84 яшарлик келин Лукас хонимни ўз никоҳига олганида «куёв бола» 103 ёшга қадам қўйган эди. Уларнинг тўйлари 1984 йилнинг 3 декабрида Висконсин штатидаги «Каравилла» қариялар уйида бўлиб ўтганди.

ÔZBEK SERVIS MAŞ

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

— АТЗ — 10К ёнилғи қуйиш машинаси,
— СуперМАЗ — 54329-020 шатакка олиш машинаси
— МАЗ-9330 ярим тиркамаси билан,
— МАЗ-83781 тиркамаси,
Двигателлар:
—ЯМЗ-328-2М, Д-245, Д-243.
Шунингдек, ЮМЗ негизидаги *"БОРЕКС"* экскаватори,
ЮМЗ тракторлари ҳам сотилади.

АВТО МАЗ

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда, нақд ва пул ўтказиш, вексель йўли билан.

Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси,3.
Телефонлар: 54-99-19, 54-69-72, 54-88-11.
Факс: 54-99-11.



"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"- маҳсулотлар Тошкентдаги омбордан сотилади.

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Хадра майдони)

ФУРҚАТ ЮНУСОВ ўргатган йўлбарслар, **РУСТАМ МАТЧОНОВ** 5 метрли илон билан олишуви томошалари давом этади.

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, АЙИҚЛАР, МАЙМУНЛАР, ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ДАМ ОЛУВЧИЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БЕРАДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар апрель ойида ҳар ҳафтанинг жума куни соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00да намойиш этилади

Жамоа бўлиб кириш учун буюртмалар қабул қилинади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

Аргумоқ остингдадур

НАФАС ОЛИШ РАВОНЛАШАДИ

Беҳи уруғи олиб ташланиб, ичига думба ва асал солиниб, «қопқоғи» ёпилади. Қоғоз пакетга солиниб, газ духовкасида паст оловда 25-30 минут сақланади.

Тайёр беҳини иссиқлигида истеъмол қилиш, ажралиб чиққан ширасини ҳам ичиш зарур.

Истеъмолдан кейин чуқур-чуқур нафас олиш керак. Балғамлар пишиб, кўчиши осонлашади.

Муолажани 10 кун такрорлаш лозим.

ЎПКАНИ ЯШНАТАДИ

4 дона тухум (хонакиси дурустроқ), 0,5 кг. тоза асал, 0,5 кг. тоза сариёғ, 4 дона лимон олинади.

Тухум пўчоғини пардасидан тозалаб, яхшилаб қуритинг. Кейин янчиб, талқон қилинг. Унга асални аралаштиринг. Лимон пўстлоғини қиймалагичдан ўтказиб, сариёғга қўшинг. Малҳамни яхшилаб ийланг. Кейин музлатгичда 15 кун сақланг. Энди ҳар куни овқатдан олдин бир чой қошиқдан 3 маҳал фойдаланинг. Бу муолажа бемор ҳолатига, яъни ўзини қандай сезишига қараб давом эттирилади. Учинчи кун кўкрак қафасида чумоли юргандек ивирлаш, ўзига хос оғриқ сезилади. Бу эса шифо бошланганидан даракдир. Ўпкангиз шамоллаш асоратидан фориг бўлиб, нафасингиз ростланса ажабмас.

Тўпловчи: М. ЁҚУБОВА.

ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Шифокор огоҳлантиради

Полиомиелит — хавфли юқумли касалликлардан бири. У асосан болаларни зарарлантиради. Ҳатто уларни бир умрга ногирон қилиб қўяди. Одатда бу хасталикка болалар бир неча ойликдан то 5-6 ёшгача таъсирчан бўлади. Бу дарддан сақланишнинг ягона ва самарали воситаларидан бири болаларни эмлаш ҳисобланиб, улар туғилгандан то 16 ёшгача ўтказилади. Болалар бир ёшгача тўрт марта эмланишлари керак. Ҳар йили республика бўйича 500-700 минг бола эмланади. Лекин 1993-1994 йиллар давомида вакцинанинг келиши чекланганлиги сабабли кўп болалар эмланмай қолди. Натижада 1994 йили Ўзбекистонда 117 та шу хасталик қайд қилинди.

Полиомиелит тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бўлими, ЮНИСЕФ ва АҚШнинг ривожланган халқаро агентлиги ҳамкорлигида Ўзбекистонда миллий эмлаш кунини ўтказиш учун вакцина билан таъминлаш юзасидан кенг миқёсда ишлар олиб борилди ва ўтган йиллари миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Бу ишларнинг натижаси самарали бўлди.

Миллий эмлаш куни режа бўйича эмланганидан қатъи назар чақалоқдан тўрт ёшгача бўлган болалар бир ой оралатиб қўшимча полиомиелитга қарши эмланади. Эмлаш боланинг оғзига махсус бир марта ишлатиладиган томизғич орқали икки томчи вакцина томизиш билан ўтказилади. Бу тадбирларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида аҳолидан 11-12-13 апрель ва 13-14-15 май кунлари болаларини ўзларининг турар жойларидаги шифохоналарнинг эмлаш хоналари, қишлоқ-врачлик амбулаторияси, участка касалхоналари ва фельдшер-акушерлик тиббий пунктларига эмлаш учун олиб чиқишларини сўраймиз.

С.ШОУМАРОВ, республика Санитария-эпидемиология станцияси бош врачи.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

қўшма корхонаси

тегирмон вальцларини ва 50 кг., 15 кг ун қопларини **СОТАДИ.**

Тўлов шакли пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.

Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги «Зиёвуддин ҳужа» маъсулияти чекланган жамият 1996 йил 8 апреллдан эътиборан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 74-96-88.

ҲАМКАСБИМИЗ ХОТИРАСИ

Одатда инсон оламга йиғлаб келади. Унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари эса чақалоқ туғилгани сабабли хурсанд бўлишади. Бир-бирларини муборакбод этишади. Лекин яхши инсон бу дунёдан ўтганда-чи? Ўша инсоннинг ўзи балки ҳаётидан мамнун бўлиб кетар. Бироқ унинг фарзандлари, қариндош-уруғлари ва кўплаб шогирдлари ажойиб инсон оламдан ўтганига ачиниб йиғлайдилар. Куни кеча таҳририятимизга хунук хабар келди. Машҳур суратқаш Абдусаттор Тўраев оламдан ўтибди. Фақатгина оддий суратқаш эмас, жонкуяр, меҳр-оқибатли, одамшаванда ва ҳожатбарор ажойиб инсон эди у.

Абдусаттор Тўраев 1930 йили Тошкент вилоятида туғилди. Меҳнат фаолиятини эса Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасида бошлади. Кейинчалик суратқашликка қизиқди. Маҳорати тобора ошиб боргач, 1961 йилда «Ўзбекистон маданияти» газетасида суратқаш сифатида ишлай бошлади. 1963 йилда эса «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)га ишга қабул қилинди. Ўшандан бери Абдусаттор ака мамлакатимизнинг барча бурчакларини кезиб чиқди, фидокор инсонлар, деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа касб эгаларининг суратларини газетага чиқарди.

Абдусаттор Тўраевни суратқашлар сулоласининг отахони дейишарди. Чунки унинг укаси марҳум Абдуношир, ўғли Абдужаббор ҳам шу соҳада меҳнат қилган эдилар. Бугунги кунда кенжа ўғли Абдувоҳид ота касбини давом эттирмоқда. Абдусаттор ака етиштирган кўплаб шогирдлар ҳам республикамиз матбуотида баракали ижод қилмоқдалар.

Ажойиб инсон, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, дилкаш дўстимиз хотираси уни яқиндан билганлар қалбида абадий сақланади.

БИР ГУРУҲ ҲАМКАСБЛАРИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1 апрелдан бошлаб электр энергиясига янги тариф бўйича, яъни 1 киловатт-соат учун **1 сўм 25 тийиндан** ҳақ тўланади.

ҲОЗИРГАЧА ФОЙДАЛАНИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН 15 АПРЕЛГА ҚАДАР АВВАЛГИ ТАРИФ БЎЙИЧА ҲАҚ ТЎЛАНИШИНИ СЎРАЙМИЗ..

Электр энергиясига ҳақ тўлашда имтиёз берилган барча тоифадаги фуқаролар бу енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1 апрелдан бошлаб электр энергиясига янги тариф бўйича ҳақ тўлаш жорий этилди. Шунга биноан 1 кВт соат электр энергияси баҳоси қуйидагича:

I гуруҳ корхоналар учун 1с. 61т (I кВт энг кўп босим йилига 3458 сўм);	
II гуруҳ	**2с.68т.;**
III гуруҳ	**1с.40т. ва 1с.20т.;**
IV ва V гуруҳлар	**1с.75т.;**
VI гуруҳ	**2с. 00т.;**
VII гуруҳ	**5с. 00т.;**
XI гуруҳ	**6с. 35т.;**

Электр энергияси ҳақи ўз вақтида тўланмагани ёки чала тўлангани сабабли англашилмовчиликдан холи бўлиш учун барвақт ҳақ тўлашингизни сўраймиз.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"